

**ПОДШАОТАСОЙ ДАРЁСИ ОҚИМИДАН
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ**

Д.Назаралиев

ТОШКЕНТ 2016

ПОДШАОТАСОЙ ДАРЁСИ ҲАВЗАСИНИНГ ТАБИЙ ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ

Худуднинг иқлим шароитлари тавсифи

Подшаотасой дарёси ҳавзасининг жойлашган худуднинг иқлими кескин континентал иқлим ҳисобланиб, ёзи иссиқ, қиши нисбаттан совуқ, ўртача йиллик ҳаво ҳарорати +14 °С даража бўлади. Ёз мавсумида ҳавонинг абсолют максимал ҳарорати +40°С даражани, июль ойида ўртача +25 °С даражани ташкил этади.

Энг кўп ёгингарчиликлар куз-қиш ва баҳор даврларига тўғри келади. Ёз фаслида эса ёгинлар камайиб кетади. Энг кўп ёгинлар март-май ойларида кузатилади. Баҳор ойларида кучли жала ёгинлари ва шимоли-ғарб ҳамда шимолий йўналишлардаги совуқ ҳаво оқимларининг тўқнашиши натижасида юзага келадиган мамақалдиқлар содир бўлиб туради.

Шамол тавсифи: Худудда маҳаллий тоғ-водий шамоли эсиб туради. Аксария ҳолларда шамол шимолий йўналиши бўйлаб ҳаракатланади. Қиш даврида бўладиган шамолнинг 30-40 % қисми шимол йўналишида кузатилади. Шимолий йўналишда шамолнинг тезлиги 2-3 м/с га тенг бўлади. Ўртача ойлик шамол тезлиги 3-4 м/с га (Наманган метеостанцияси маълумоти) тенг. Энг юқори шамол тезлиги 15-18 м/с ни ташкил этади.

Шамолнинг максимал тезлиги, турли хил таъминланганлик ҳолатларда, м/с

Метеостанция номи	Таъминланганлик, %				
	1	2	5	10	20
Наманган	21	20	19	18,5	17,5